



ТИНЧ иш (Ҳикоя)



...Энди бу зот ҳам уламодан бири эди. Ўз ахли тарафидан вараса-тул-анбиё(Варасатул-анбиё — пайгамбарларнинг меросхўрлари (уламолар).) каторига киритилган учун мертук-сертукларнинг(Мертук, — сертук — ўтмас, ярамас: бу ерда паст даражадаги одамлар маъносида.) фалон-туганига кулок солувнинг ҳам лузуми(Лузум — зарурат, хожат.) йўк эди. Йигирма беш-ўттуз йилни мадраса тупроги ялаб ўтқарган бир кишини, табиий, бизда уламо каторига киргузмай хол йўк. Ҳам ана шу мадраса тупрогини ўттуз йил ялаб, шул тупрок ялов ажрини(Ажр — мукофот, эваз.) ҳам олган эди. Авом ўртасинда бўлсун, уламо орасинда бўлсун ул «Домла Шариф Охунд»

бўлуб танилган ва бу исми эшиткан, етти яшардан етмиш яшарнинг кўз олдига катта салла, узун чопон, семиз тан, ўнг кўлининг енгидан тўрт эллик тасбих учи кўрунуб турган, киб-кизил баркаш юз, мошкичири сокол бир зот келиб босар эди.

Бу зот диний бир олим бўлув устига сиёсатдан ҳам хабарсиз эмас эди. Америка, Гирмония, Онглия, Япўния, Фарансия, Белгия, шунинг каби хар давлатларни ёдлаб билар эди. Бунларнинг хунарларигача айрим-айрим ажратар эди. Масалан, Америка, ўзи фарангларнинг бир табакаси, яъни кабиласи. Хунари: амиркон тери ишлайдир. Амиркон пахтани ҳам шу чикарган. Гирмония тўб тўпхона, уруш аслахаларини ишлайдир. Осмон попурини(Осмон попури — самолёт, юнончада «вопур» кема дегани.) ҳам шу кофир чикарган. Онглия — бу жуда хунарманд, локин ўзининг ер юзинда жойи йўк. Аммо денгизга шахарлар бино килган. Шунинг учун денгизлар подшоси деб айтадир-лар. Фарансия ёки Фаранг — бу ўзи майда-чуйда ишларга жуда ҳам уста бир кофир; фаранги игна, машина, фаранги иб, грамафон, нагма ва шунга ўхшаш аллаканча ажойиб, гаройиб нарсаларни чикарган. Япўния — ўрусдан Пўрттортирни(Порттортир — Порт-Артур шахри.) олган...

Ана бунлар энди чет киронлар(Кирон — давлат, мамлакат.) тўгрисида билган сиёсати. Ўзимизнинг якин киронлардан, масалан, Хитой, Туркия, Бухоролар хақинда етти ёшлик вақтиндан бери маълумоти бор. Хитой — хунари хитой коғоз, ипак жужум, жонон пиёла... нуфуси жуда ҳам кўб, на хисобда, на китобда бор.

Самаркентни(Самаркент — Самарканд.) олмокга кўшун тортганда йўл устида дарёйи Нилми, Жайхунми(Жайхун — Амударё.) деган бир дарёга тўгри келар экан. Дарёни кўпруксиз кўрганда ижргамига(Ижргам — тортинмок, ўйланмок, ташвиш килмок.) келтурмай черигини(Черик — кўшин.) сувга босиб одамдан кўпрук килиб ўтуб кетар экан. Мана, кўблиги шунча экан!!

Туркия — ер юзининг султони, ахли куффордан(— Ахли куффор — кофирлар, бу ерда мусулмон динидан ўзгаси.) бож хирож оладир. Кахру-газабидан замину-замон, макину-макон титрайдир. Одамларини уч юз отмиш кун рўза, йигирма тўрт соат намоз ўкувчи «авлиё» деб биладир. (Бу ерда муаллимчилик килиб юрган асир туркларни ул турк деб билмайдир. Балким ёлгондаки турк оти остига яширинган куффор, дин бузувчи, армани деб билганидан ушбу малъунларга эргашиб юрган мусулмон болаларига чин кўнгилдан ачинадир...)(Биринчи жахон уруши (1914—1918) йилларида Туркия Россияга карши урушиб, Россия турк асирларини Сибирда ишлатган, инкилоб бўлиб, улар Туркистон ўлкасига, Волга бўйига кайтган эдилар. Турклар бу ерларда махаллий халкка маданий, маърифий, туркийлик гоёларини ташвик килган эдилар, муаллимлик килган эдилар. Улар Лозанна конференциясининг (1922— 1923) харбий асирларни ўзаро алмашув карорига биноан ўз ватанларига кайтган эдилар.)

Бухоро тўгрисинда сўйлав керак эмас, хамамизга белгили: бошка ислом шахарларига кўкдан нур ёгилган холда, шу шахарларга ёгдирмок, учун Бухорои шарифдан фаришталар оркали кўкга нур чикарилур экан!..

Мана анинг сиёсатдан, инглизнинг бир юз сиёсийунидан ортик маълумоти.

Ўзи мударрисликка сайланмасдан илгари ок подшоҳга нима учундир мастровойлар каби душманлик саклаб юрар эди. Алланарсамоф деган тўра ёгиндан мударрисликка «указ» берилгач,(Указ — фармон.) ок подшоҳнинг хакига кўл кўтариб дуо килган кундан бошлаб

Ўзидан Некалайга(Некалай — Николай (II) Александрович Романов (1868—1918) охирги рус императори (1894—1917).) бир хайрихолик сеза бошлайдир. Тўгри келган йигинларда подшоҳликнинг нисфи нубувват(Ярим пайгамбарлик.) деганлар, кофир бўлса ҳам «нубувват», яъни пайгамбарликнинг нисф куввати бор, деб ок подшоҳни юкори кўтариб кўядир.

Орада уруш бошланиб, Туркистонда «рабочий» масаласи кўзгалганда галаёнга келган халкга: «Подшоҳнинг амри вожиб, маънои во-жиб фарзлигинда озгина шубха бор, маънои фарз амри илохий»(Подшоҳнинг буйруги вожибдир, яъни мажбурий, вожибнинг маъноси шуки, буткул фарз, дея олмаймиз, фарз Оллоҳнинг буйруги.) деб хаяжондан тўхтатурга тиришадир. Гирмон ундай хунар кўрсатибдир, ок подшоҳнинг бунча шахрини олибдир, деган хабарларга сира ишонгуси келмай: «Яхши, Гирмоннинг юз ўн беш газ тўпи бор, мен буни Гирмоннинг ўзиданда яхширок биламен, аммо у гарки охан(Гарки охан — темирга бой.) бўлса ҳам Русиянинг бир тола мўйини кам кила олмайдир. Русия бунга ўхшаш Гирмоннинг бир юзи билан урушиб кўрган, ок подшоҳ эмди эр назар килган(Эр назар хилган — халкнинг ишончига кирган.) деб юрадир.

II

1917 йил феврал сўнгинда инкилоб бошланиб, ок подшоҳимиз тахтдан тобутга олинур. Биринчи мартдан бошлаб халк огзинда «Мекалай тахтдан тушурулиб, янги ҳукумат тузулубдир», деган хабарлар юрий бошлар. Локин бу хабарларга бизим «Охунд домла» сира ишонмайдир. Шу хабарларни сўйлавчига кизик туриш билан: «Эй, сен ахмок бўлиб колдингми? Ок подшоҳни ўрnidан тушуруб бўлар эмиш? Яхшиким бу сўзни манга айтдинг, ёмонрок кишига айтсанг бошинг кетадир — бошинг! Дамингни чикарма! Бу хабар мастравойларнинг хабари!(1914-нчи йилда исён этувчи рабочийлар домламизга мастравой бўлиб танилган. (Муал.).)

— Мастравой деган ким таксир?

— Ха, кўчаларга тош терадирганлар-чи, ана шунларни мастравой дерлар, шунларнинг хабарига ишониб бўладирми?

Орадан ўн беш кун ўтуб кетадир...

Некалайнинг политса — миршаблари, козилари, мингбошилари ўрундан чикарилиб, бошкалар сайлана бошлар. Юртнинг туруши ўзга-рар. Сайлов — йигинларнинг бир нечасинда Охунд домламизнинг ҳам катнашишлари бўладир. Охунд домламизга эмди ок подшоҳнинг хакикатдан тахтдан тобутга олингани сезилур. Локин бу ишга нима учундирким, анинг ичи бир турли гаш бўлиб: «Эй худоё тўба, бу нима деган гап эмди!..» — деб кўядир.

— Ок подшоҳ ўрnidан тушурулибдир, «янги ҳукумат» деган ҳукумат бўлубдир. Аммо мана бу «сайлов» деган нима деган номаъкулчилик? Худоё тўба! Худоё тўба!.. Одамларнинг огзиндаги «хуррият» дегани нима деган сўз; ердан «хуррият», кўкдан «хуррият», бугун сайлов, эрта сайлов! Худоё тўба! Худоё тўба!.. Халк огзиндаги «хуррият, хуррият» деган сўзга биринчи эшитувда тушунилмаса ҳам лугат кўрилгандан кейин бир оз тушунилди. Охунд домламиз ок подшоҳни ўрундан тушурулиб, Керенскийнинг подшоҳ кўтарилганини «бўлибдир, бўлибдир эмди» билан зихнига сигдирса-да, халиги «янгидан сайловни» сира миясига сигдира олмади. «Халк истагича янгидан сайлаб кўйиш» деган гап анинг ичини ари каби талий бошлади. Нечун ари бўлиб таламасин. ...мадрасасининг биринчи мударриси этиб Алланарсамоф ёгидан берилган указни бекорга чикариб, Охунд

домламиз ўрнига бошкани сайлаймиз, десалар!.. Ўxxx!..

III

Отун ойимга указни олиб чикувни буюриб, ўзи айвонга ўлтурди. Шул вақтда даруни дилдан(даруни дил — чин дилдан.) ох тортиб юборган ҳам эди. Указ когози бундан бир йил илгари сандукга тушувда Охунд домлага кандай умидлар берган бўлса, бу кун сандукдан чикувда шу даража умидсизлик тугдирди.

Отун ойимдан указни олиб оча бошлади. Бу когоз яхши саклангани учун хар кабатини очилган сари шалдирар ва бу шалдиров Охунд домлани алланечук маъюс этар эди. Указ очилиб бўлди. Домламизнинг русчадан хабари бўлмаса ҳам, хоким маҳкамасининг мирзаси ёгиндан указни беришда: «...Мадрасинкий первой мударрису господину Муллашариф Охуну Мулла Зариф Охуну» деб ўкуб бериши эсига тушуб, ўшал вақт бутун аъзоси тил билан онглатиб бўлмаслик бир лаззат билан жимирлашиб кеткани эсига келиб кетди. «Господин первой мударрис»ни таъйин этиб чиройлик килиб кўйилган бурмача имзолар билан семуруг кушли тамгаларга кўзи тушуб ўтди. Аммо шул вақт «хуррият, сайлов» шарт этиб эсига тушуб кетди. Указ кўлидан ерга тушуб кетаёзди... Эмди бир неча вақт хушдан ҳам кетган эди.

Эси ўзига келгач, указни буклий бошлади. Указ: «Мени кўрма, ҳам куйма!» деган каби бўлуб ўз-ўзиндан шалдировсиз буклана бошлади. Отун ойим указни сандукга олиб кетмакда бўлганида ортидан алвидоъ килган каби маъюсона караб турар эди. Яна бир гулдурос билан ох тортгандан сўнг ок подшоҳни ўриндан тушурганлари учун мастравойларга лаънат ўкуди.

Шундай лаънат ўкудиким: «Шул соат мастравойларни ер ютса ок подшоҳ ўз ўрнига ўлтуруб, «хуррият, сайлов»ни йўк килса, указ указликда колса!..»

Аммо Охунд домланинг дуоси ижобат хадафига(Ижобат хадафи — нишон.) тегудан вақт ўткан эди. Локин домланинг бу «сайлов» ташвиши ва мастравойларга дуойи бади ўринсиз бўлиб чикган эди. Негаким, иш домланинг фойдасига куморила бошлаган, янги ок подшоҳ (Керенский) вақтида домлаларимизга ўхшаган «сайлов» сичконлари учун хар канча иш килинса майдон очик эди. Ёлгуз... ёлгуз «ёш» деган бир фиркани иш бошидан хайдалса...

IV

Эмди халк орасига дин отидан ёшларга карши ташвикот юргузила бошламиш эди.

Хозир бизнинг Охунд домламиз нима килур эди?

Домламизнинг ўзи политикан эмасми? Ишнинг тубига аллакачон тушуниб, ёшларга карши ташвикот денгизинда юзар эди.

Иш Охунд домламиз кабиларнинг фойдаси билан натижаланди. Эмди Охунд домламизнинг огзи кулогида, «Дин бузувчи даҳрий ёшлар!» деган жаҳр(Жаҳр — товуш.) огзидан фаввора уруб чикадир. Домламиз масти лояъкил,(Масти лояъхил — беҳуш даражада маст бўлиш.) хозир домлага Некалай золим, Керенский одили аъдал(Одили аъдал — одиллар одили.) указнинг ҳам бир тийинлик киймати йўк; тиласа мударрис, тиласа кози, тиласа дўма!(Дўма — дума аъзоси.) Вассалом...

V

1917-нчи йилнинг сентябрлари эди, шекилли... Янги ҳукумат каршисига болшевиклар кўзгалмоқда... деган хабарлар юрий бошлади. Илгарирак домламиз бу хабарларга кўбда ишонмаса ҳам кейинрак ўйлий бошлади. Болшевиклар хакинда маълумот эгаси бўлмагани учун ундан, бундан суриштурмоқга турди.

Ўхўў... болшевик! Ер ютсун, ер ютсун!! Динни билмаса, бой ва уламо (хоин уламо)ни(Хоин уламо — Туркистон мухторияти эълон килингунга қадар Умум Туркистон мусулмонларининг тўртта съезди бўлиб ўтади. Бу съезддарда «Уламо» жамиятининг мутаассиб уламолари тараккийпарвар «Шўрои исломия» ва «Марказ Туркистон шўроси» уюшмалари билан доим ракобатда туриб, Туркистонни идора шакли хусусидаги масалада замон талабига жавоб бермайдиган эски тартиб-усулларни, хонликни ёқлаб чиқадилар. Сиёсий курашларда катнашиб келаётган нуфузли «Уламо» жамиятининг ноўрин бу талаби Умум Туркистон мусулмонлари съездини ва сўнгра эса Туркистон мухториятини авом халқка қисман бўлса ҳам ёмон кўрсатишда болшевикларга дастак бўлиб келади. Хатто Тошкентнинг қадимчи уламолари «Уламо» съездида (1917 йил, 17—20 сентябр) юкорида айтилган уюшмаларга аччиқ қилиб болшевиклар билан тил бириктира-ди. Гарчи Туркистон Мухторияти халокатининг сабаблари мухторият хайъати аъзолари орасида ноахиллик, миллий сармоянинг йўқлиги ва қуролсизлик, миллий аскарсизлик ва бошқалар бўлса-да, мухторият кунларида (1917 йил, 25 ноябр — 1918 йил, 9 феврал) Шерали Лапин бошчилигидаги Тошкент «Уламо» жамияти мухториятни тан олмай, ўзларига «Тошкент уламо жумхурияти» тузиб, Туркистон мухториятида парокандаликни бошлаб бериб хоинлик қилган эди. Муаллиф шу воқеаларни назарда тутяпти.) ер билан яқсон қилмоқ тиласа. Мол-мулкни муштарак(Муштарак — ўртада, умумий.) деб билса!.. Бу маълумотни олгач кеча-кундуз: «Эй бор худоё, Керенский ҳуку-матини қиёматгача оёғдан йикитма!» деб дуо қилмоқга қириттди. Воқиядан хазрат Охунд домламизнинг бусотдаги бор дастмоялари шулгина эди.

VI

Йигирма нечанчи... ой эди, оламни тўп гум-гуми, пулемит тартара-ги босган эди. Икки фирка, яъни бой уламо билан камбагал бенаво(Бенаво — фақир, кашшок.) жон бериб жон олмоқда эди. Охунд домламизда бошқа камолот кут-гандан ортик бир равишда бўлса ҳам юрак деган неъматдан махрум бўлганлари учун биринчи милтик товши билан узлатни ихтиёр қил-мишлар эди. Хар бир тўп товши Охунд хазратимизга эшитилган сари узлатхонада ичлари шувиллашмақда эди.

Натижада камбагал бенаво бой ва уламони етти кат ернинг остига қирғузуб юборадирган даражада енгди... Бу хабар Охунд домламизнинг узлатхоналарига ирсол этилмиш.(Ирсол этиш — юбориш, етказиш.) Домламиз жондан умид узуб хар минут «Қалимаи таййиба»(«Қалимаи таййиба» — Ла илаха иллал-лоху Мухаммадур-росувлуллох. (Оллохдан бошқа маъбуд йўқ ва Мухаммад унинг расули).) ва «Қалимаи шаходат»ни(«Қалимаи шаҳрдат» — қшх,аку алла илаха иллаллоху ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва росувлух. (Гувохлик бераманки, Оллохдан бошқа ҳеч маъбуд йўқ ва Мухаммад унинг бандаси ҳамда пайгамбаридир).) вирди забон(Вирди забон — тилда такрорлаш.) этимишлар эди.

VII

Орадан ўн кун ўтди. Охунд домламиз йўк, йигирма кун ўтди, дараксиз, ўттуз кун деганда аёвли жонни бир хович килиб, узлатхонанинг эшикидан мўраладилар. Ўттуз биринчи кунда атак-чечак килиб узлатхона атрофинда синов учун юриб кўрдилар.

Тадриж ба тадриж(Тадриж ба тадриж — аста-секин.) ахли аёл ёнига борувни жаноб хак тинчлик ва осойишталик билан Охунд домламизга муяссар килди. Тўп билан пулемит, болшевикларнинг астахидил тутган сиёсати ва алалхусус сиёсийлик Охунд домламизнинг юрагини олиб кўйганликдан бундан сўнг сиёсатга оралашмаслик ахли аёл ўртасинда ахд этилди.

Тинчгина имомгарчиликда давом этила бошланди. Илгари болшевик огаларнинг, кимнинг отини, кимнинг молини, кимнинг ерини тортиб олувларига кандай маъни беришга ожиз бўлган Охунд домламиз «Мифтохул-жинон» («Мифтохул-жинон» — («Жаннатлар калиди») — авлиёлар хаётига, ислом рукнларига оид китоб, муаллифи Мухаммад Мужир Адиб.) ва амсоли(Амсоли — каби.) китоблардан истихрож этиб:(Истихрож этиш — цитата чиқариш, келтириш.) «Замона охир бўлиб, киёмат яқинлашган экан, бу кунги болшевик деганимиз яъжуж-маъжуж(Афсонага кўра — хунук башара, бахайбат, хамма нарсани нобуд килувчи, одамхўр махлуклар. (Муал.)) ва ё доббатул-арз(Доббатул-арз — киёмат кунни ердан чиқиб кофирларни халок килувчи махлук.) бўлур» деб ўйлар эди. Ўшал вақтда бундай демакга балким анинг хаки хам бўлгандир, локин бу кунда анинг яъжуж-маъжуж, доббатул-арз хакиндаги фикрлари ўзгариб, болшевикларнинг хам инсон эканлигига имон келтурди.

Яқинда халк... мадрасасига Охунд домламиз ўрнига бошка бир мударрис таъйин этилди. Аммо бунга домламизнинг сира илтифоти бўлмади. Шунинг билан баробар указ хам сандукда унутилиб ётадир, балким эсига келганда йиртиб хам ташлар. Шундай килиб тинчгина имомгарчилигида давом этадир.

Сиёсийлик вақти эсига тушганда сесканиб кетиб: «Йўк, шайтон оздирган экан ва ё эс кеткан экан!» деб кўядир. Бугунги имомгарчилигига келганда: «Бунинг ўзи хўб тинч ишде!» дейдир. Вокиъан Охунд домламизнинг ўзига лойик иш шуниси эди.

Жулкунбой

«Тонг» журнали, 1920 йил, 2-сон.(«Тонг» журнали — 1920 йил 3, 4 та сони чиққан, ташаббускори Абдурауф Фитрат. Ношири Бухоро коммунистлар партиясининг нашриёт шўъбаси. Журнал араб, форс сўзларига карши туриб, «Чигатой гурунги» аъзоларининг маколалари босилган.)

Абдулла Кодирийдан